

MARIKON AUDIT

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, М.Юсуф кўчаси, 46/2 уй,
тел.: 71 260-49-50, ф. 71 207-62-07.

Р/с 20208000204050179001, «DAVR-BANK» ХЕАТБ Мирзо-Улуғбек бўлими,
Банк коди 01072, СТИР 203248237

E-mail: marikonaudit@mail.ru

22-сон

30.03.2022 й.

**«KARBONAT» АЖнинг 2021 йил учун Молиявий ҳисоботи бўйича
ижобий фикр-мулоҳазалар билдирилган
аудиторлик хулосаси**

**«KARBONAT» АЖнинг
акциядорлари ва Раҳбариятига**

Фикр-мулоҳазалар

Биз “KARBONAT” Акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига кўра куйидагилардан таркиб топган молиявий ҳисоботининг аудитини ўтказдик: 2021 йилнинг 31 декабр куни яқунланган йил учун Баланс ҳисоботи (1-сонли шакл), 2021 йилнинг 31 декабр куни яқунланган йил учун Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл), шунингдек молиявий ҳисоботга изоҳлар, шу жумладан ҳисоб сиёсати асосий қоидалари ҳақидаги қисқача маълумот.

Бизнинг фикримизга кўра, илова қилинаётган молиявий ҳисобот 2021 йил 31 декабр ҳолатига кўра «KARBONAT» АЖнинг молиявий ҳолати, шунингдек кўрсатиб ўтилган санада яқунланган йил учун Баланс ҳисоботи, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот Бухгалтерлик Ҳисоби Миллий Стандартлари (БҲМС)га мувофиқ тайёрланганлиги борасида тўғри ва ишончли тасаввурни беради. Молиявий амалиётлар Жамиятнинг устав фаолиятига жавоб беради ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид келмайди.

Фикр-мулоҳазани билдириш учун асослар

Биз Халқаро аудит стандартлари (ХАС)га мувофиқ аудитни ўтказдик. Ушбу стандартларга мувофиқ бизнинг мажбуриятларимиз хулосамизнинг кейинги «Молиявий ҳисобот аудитини учун аудиторнинг масъулияти» бўлимида келтирилган. Ўйлашимизча, биз томондан олинган аудиторлик далил-исботлар ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришга асос бўлиб хизмат қилиши учун етарли ва тегишли даражада.

Мустақиллик ҳақидаги ариза

Биз Ўзбекистон Республикасида бизнинг молиявий ҳисобот аудитига нисбатан қўлланиладиган Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ-одоб стандартлари кенгаши Касбий бухгалтерлар ахлоқ-одоб кодекси (БХАОДК Кодекси) билан ўрнатилган одоб-ахлоқга оид талабларга мувофиқ, шунингдек «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг мустақиллик тамойилига риоя қилиш қисмига оид талабларига мувофиқ “KARBONAT” АЖга нисбатан мустақилмиз, ҳамда биз томондан ушбу талабларга мувофиқ бошқа одоб-ахлоқ мажбуриятларига амал қилинган.

Аудитга нисбатан бизнинг ёндашувимиз

“KARBONAT” АЖнинг асосий фаолият тури оҳактош ва қурилиш гипсини ишлаб чиқаришдан иборат.

Биз томонидан “KARBONAT” АЖнинг ташқи савдо соҳасидаги операцион фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Аудитни режалаштиришда биз молиявий ҳисоботнинг жиддий бузиб кўрсатишларнинг аҳамиятини аниқлаб таваккалларга баҳо бердик. Биз томонидан амалга оширилган барча аудитлар каби биз раҳбарият томонидан ички назорат воситаларини четлаб ўтиш таваккаллини, шу жумладан раҳбариятнинг ноҳалол хатти-ҳаракатлар оқибатида жиддий бузиб кўрсатишлар таваккалини юзага келтирувчи ноҳолислик ҳолати мавжудлигига баҳо беришни ҳам кўриб чиқдик.

Бизнинг ишимиз умуман олганда 01.01.2021 йилдан 31.12.2021 йилгача муддатли ўз ичига олган текширилаётган давр учун аудиторлик тартиботларини ўз ичига олган. Биз томондан раҳбарият билан фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига оид турли масалалар муҳокама қилинди.

Муҳимлилик

Биз «KARBONAT» АЖ молиявий ҳисоботи даражасида муҳимлиликни аниқлаш учун ўз касбий фикр-мулоҳазамиздан фойдаландик. Биз муҳимлилик даражасини «KARBONAT» АЖ Баланс ҳисоботидаги (1-сонли шакл) активлар қийматининг 1,9% миқдорида аниқладик.

Барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги деганда малакали фойдаланувчи ушбу ҳисобот асосида тўғри хулоса қилишга ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлган молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг аниқлик даражаси тушунилади. Маълумотнинг муҳимлиги — бу уни идрокчи фойдаланувчининг қарорларига таъсир кўрсатишга қодир қиладиган хусусиятидир.

Муҳимлик даражаси деганда молиявий ҳисоботларни нотўғри талқин қилишнинг чегаравий қиймати тушунилиб, шундан бошлаб ушбу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси тўғри хулосалар чиқара олмайди ва улар асосида тўғри қарорлар қабул қила олмайди.

Танланган тартиботлар аудиторнинг фикр-мулоҳазасига, шу жумладан молиявий ҳисоботдаги фирибгарлик ёки хато сабабли юзага келган жиддий бузиб кўрсатишларга боғлиқ бўлади.

Аудит шунингдек, фойдаланилган ҳисоб сиёсатининг мувофиқлиги ва субъектнинг раҳбарияти томонидан амалга оширилган бухгалтерия ҳисоб-китобларининг асослилигини баҳолашни ҳамда молиявий ҳисоботнинг умумий тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади. Аудиторлик фаолиятига хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва ходимлари фаолиятининг молиявий натижаларига жиддий таъсир кўрсатадиган ва молиявий ҳисоботларнинг жиддий бузилишларига олиб келган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлаш борасида тартиботлар бажарилиши киради.

Аудит ҳажми

Биз «KARBONAT» АЖнинг Тошкент шаҳридаги офисида аудит бўйича ишларни амалга оширдик. Ушбу иш амалиётларнинг барча муҳим қийматларини тўлиқ аудит қилиш ва алоҳида назорат жиҳатларини тўлиқ аудит қилишдан иборат бўлган. Натижада, юқорида айтиб ўтилган ишлар ҳажмини амалга ошириб, биз молиявий ҳисобот моддаларининг куйидагича қопланишига эришдик: 90% тушум, 85% активлар, 81% солиқ солингунга қадар фойда, молиявий ҳисоботнинг барча моддалари бўйича эса – 85%.

Аудитнинг асосий масаласи

1. Тушумни тан олиш – тушум ҳисобланишининг аниқлиги ва мавжудлиги; 2. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни ҳаққоний акс эттирилиши; 3. Шартномаларни бажариш.

«KARBONAT» АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш.

Аудитнинг асосий масалалари - бу бизнинг касбий мулоҳазамизга кўра жорий давр учун «KARBONAT» АЖнинг молиявий ҳисоботида оид аудитимиз учун энг муҳим ҳисобланган масалалардир. Биз аудитнинг асосий масалалари ҳақида Раҳбариятни хабардор қилдик, бироқ аудитимиз давомида аниқланган ҳамда Раҳбарият эътиборига етказилган барча масалалар эмас. Ушбу масалалар умуман олганда молиявий ҳисобот аудитимизнинг контекстида ҳамда ушбу ҳисобот ҳақида бизнинг фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилди, ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида мулоҳазаларни билдирмаймиз.

Раҳбарият ҳамда корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисобот учун жавоб берувчи шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият кўрсатиб ўтилган молиявий ҳисоботни ХМХСга мувофиқ тайёрланиши ва ҳаққоний ифодаланиши учун ҳамда раҳбарият ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий нотўғри кўрсатишлар мавжуд бўлмаган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарурий ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгар бўлади. Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият Жамият томонидан ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш имкониятини баҳолаш, тегишли ҳолларда фаолиятнинг узлуксизлигига боғлиқ маълумотлар ошкор этилиши ҳамда фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги йўл қўйишлар асосида ҳисоботни тузиш учун жавобгар бўлади, раҳбарият «KARBONAT» АЖни тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ниятида бўлган ёки унда фаолиятни тугатиш ёки тўхтатишдан ташқари бирорта бошқа реал альтернатива мавжуд бўлмаган ҳоллар бундан мустасно. Корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар «KARBONAT» АЖ молиявий ҳисоботини тайёрлаш устидан назорат учун жавоб берадилар.

ХАСга мувофиқ ўтказилаётган аудит доирасида биз бутун аудит давомида касбий мулоҳазани қўллаймиз ва касбий скептицизмни сақлаб қоламиз.

Бундан ташқари, биз қуйидаги ишларни бажарамиз:

- молиявий ҳисоботнинг ноҳалол ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий нотўғри кўрсатишлар таваккаллари аниқлаймиз ва уларга баҳо берамиз; ушбу таваккалларга жавобан аудиторлик тартиботларни ишлаб чиқамиз ва ўтказамиз; ўз фикримизни билдириш учун асос ҳисобланиши учун етарли ва тегишли ҳисобланувчи аудиторлик далил-исботларни оламиз. Ноҳалол ҳаракатлар натижасида жиддий нотўғри кўрсатишларни аниқламаслик таваккали хато натижасида жиддий нотўғри кўрсатишларни аниқламаслик таваккалига қараганда юқори, чунки ноҳалол ҳаракатлар тил бириктириш, сохталаштириш, қасдан хато қилиш, ахборотни нотўғри ифодалаш ёки тизимни четлаб ўтишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин;
- аудиторлик тартиботларини ишлаб чиқиш мақсадида, бироқ «KARBONAT» АЖда ички назорат тизимининг самарадорлиги ҳақидаги фикрни ифодалаш мақсадини кўзламаган ҳолда аудит учун аҳамиятли бўлган ички назорат тизими борасида тушунчага эга бўламиз;
- қўлланилаётган ҳисоб юритиш сиёсатининг тегишли характерини ҳамда бухгалтерия ҳисоб-китобларининг асослилиги ва раҳбарият томонидан тайёрланган ахборотларнинг тегишли равишда ошкор этилишини баҳолаймиз;
- раҳбарият томонидан фаолият узлуксизлигига йўл қўйишни қўллаш қонунийлиги борасида хулоса чиқарамиз, олинган аудиторлик далиллар асосида эса – «KARBONAT» АЖнинг ўз фаолиятини узлуксиз равишда давом эттириш қобилиятида қатта шубҳалар юзага келиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шартлар сабабли жиддий номуайянлик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги борасида хулоса чиқарамиз. Агарда биз жиддий номуайянлик мавжудлиги борасидаги хулосага келсак, биз аудиторлик хулосамизда молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган маълумотларни тегишли равишда ошкор қилинишига эътибор қаратишимиз ёки маълумотларнинг бу тариқа ошкор этилиши тегишли эмас деб

ҳисобланмаса, ўз фикр-мулоҳазаларимизни модификация қилишимиз лозим. Бизнинг хулосаларимиз аудиторлик хулосамиз тузилган санадан олдин олинган аудиторлик далилларига асосланган. Бироқ, келажакдаги ҳодисалар ва шартлар «KARBONAT» АЖ ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин;

- умуман олганда молиявий ҳисоботни тақдим этиш, унинг тузилмаси ва мазмунини, шу жумладан ахборотни ошкор қилиш, шунингдек молиявий ҳисобот унинг асосида ётувчи амалиётлар ва ҳодисаларнинг ҳаққоний ифодаланишини таъминлаш учун баҳолашни амалга оширамиз;

- молиявий ҳисобот борасида ўз фикримизни билдириш учун бошқа ташкилотлар ёки «KARBONAT» АЖ ичидаги фаолиятга доир молиявий маълумотларга тааллуқли етарли даражадаги аудиторлик далил-исботларни оламиз. Биз «KARBONAT» АЖ аудитига раҳбарлик қилиш, назорат қилиш ва уни ўтказиш учун жавоб берамиз. Биз ўз аудиторлик хулосамиз учун тўлиқ жавобгар бўлиб қоламиз.

Биз корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар билан ўзаро ахборот алмашинувини амалга ошириб, бошқалардан фарқли ўлароқ режалаштирилган аудит ҳажми ва муддатлари, шунингдек аудит натижалари бўйича муҳим мулоҳазалар, шу жумладан биз аудит жараёнида аниқлайдиган ички назорат тизимининг жиддий камчиликлар тўғрисида ахборотларни уларнинг эътиборига етказди.

Шунингдек биз корпоратив бошқарув учун жавобгар бўлган шахсларга эркинлик борасидаги барча тегишли одоб-ахлоқ талабларига риоя қилганлигимиз ҳақидаги аризани тақдим этамиз ҳамда ушбу шахсларни барча ўзаро муносабатлар ва аудиторнинг эркинлигига асосланган равишда таъсир кўрсатувчи деб ҳисоблаш мумкин бўлган бошқа масалалар, зарурият бўлган ҳолларда эса - тегишли олдини олиш чоралари борасида хабардор қилганмиз.

Биз томондан корпоратив бошқарув учун жавобгар шахслар эътиборига етказган масалалардан жорий давр учун молиявий ҳисобот аудити учун энг муҳим бўлган ва тегишинча аудитнинг асосий масалалари бўлган масалаларни белгилаймиз. Биз аудиторлик хулосамизда ушбу масалаларни ёритиб берамиз, чунки бундай ахборотни маълум қилишнинг салбий оқибатлари уни маълум қилишдан жамоат учун муҳим фойдадан ошади деб асосли равишда тахмин қилиш мумкин.

Аудит ўтказилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар

Аудиторлик хулосаси «KARBONAT» АЖга тақдим этилади. Юридик манзил: 708012, Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Фориш тумани, «Багдон» к/х, «Эгизбулок». «Orient-Finans» ХАТБдаги ҳисоб рақам: 20210004004913509001, банк коди 01071, СТИР 200340624, ИФУТ-23520; ҚҚС тўловчиси коди – 326080001721, тел.: (90) 909-80-08.

«MARIKON AUDIT» аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, М.Юсуф кўчаси, 46/2 уй, «DAVR-BANK» ХЕАТБ Мирзо Улуғбек бўлимидаги ҳисоб рақам: 2020 8000 2040 5017 9001, банк коди 01072, ИФУТ: 69202. «INSON» Суғурта компанияси томонидан берилган 07.04.2021 йилдаги 0105/1308/21/002-1-сон Аудиторлик ташкилотининг масъулиятини суғурталаш полиси, СТИР: 203248237, тел.: 71 208-49-50, ф.: 71 208-09-76. Аудиторлик ташкилотининг директори: Махмудова Г.Г., 04404-сонли Аудиторнинг малака сертификати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 12.09.2012 йилда берилган САР сертификатланган бухгалтери.

Ушбу аудиторлик хулосаси чиқарилган топшириқ раҳбари – аудитор Махмудова Г.Г. (12.09.2012 йилдаги 04404-сонли аудитор сертификати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган). «MARIKON-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори/директори томонидан 06.08.2020 йилдаги АО-0608-сонли шартномага биноан «KARBONAT» АЖ хўжалик юритувчи субъектининг 31.12.2020 йил ҳолатига кўра

молиявий ҳисоботининг ҳаққонийлиги борасида 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача қадар даврларни ўз ичига олган мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилди.

«MARIKON-AUDIT» МЧЖ
директори/аудитори

имзо

Махмудова Г.Г.

Думалоқ муҳр.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар